

МОЛИЯВИЙ РИСКЛАР СУҒУРТАСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Юлдашев О.Т., Мирсултонов М.М.

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Мақолада замонавий тадбиркорлик фаолиятида учрайдиган турли молиявий рискларни суғурта қилишнинг илмий асослари ўрганилган. Жумладан, молиявий рискларни суғурталашга нисбатан корхоналар молиявий-хўжалик механизмининг энг муаммоли элементи сифатида асосий урғу берилган. Турли молиявий рискларни суғурталашнинг амалий жиҳатларига тавсиф берилган.

Калит сўзлар: риск, молиявий риск, рискларни суғурта қилиш, мулкрий манфаат, молиявий рискларни суғурталаш.

В статье рассматриваются научные основы страхования различных рисков, возникающих в современной предпринимательской деятельности. Акцентируется внимание на страховании финансовых рисков как наиболее проблемном элементе финансово-хозяйственного механизма предприятий. Описываются практические аспекты страхования различных рисков.

Ключевые слова: риск, финансовый риск, страхование рисков, имущественные интересы, страхование финансовых рисков.

КИРИШ

Ҳозирги замонавий иқтисодиётда корхоналар ва компаниялар томонидан рискли молиявий қарорларни қабул қилмасдан туриб максимал фойда олишнинг иложи йўқ. Молиявий рискларнинг тадбиркорлик фаолияти натижаларига таъсир этиш даражасини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимида, йўқотиш (бой бериш) ва зарар кўриш тушунчалари фарқланади. Корхоналарнинг ҳақиқатдаги мавжуд маълумотларини кўрсатишича, молиявий рискларнинг юзага келишидан кўриладиган зарарлар миқдори жуда катта. Буни аниқлаш учун эса, молиявий рискларнинг кескин таъсири юзага келадиган ҳозирги шароитда, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари корхоналарининг тизимлаштирилган расмий статистик маълумотларига мурожаат қилиш лозим. Бу борада тадқиқот олиб борган олимларнинг таҳлиллари натижаларига кўра, компаниялар молиявий кўрсаткичларининг 54,7 фоизга ўзгариши молиявий рисклар ва уларнинг таъсирига боғлиқ [2].

Юқори иқтисодий зиддиятлар ва самарасизликни объектив юзага келтирувчи молиявий операциялар корхоналарни рискдан ҳимоя қилишнинг оптимал методини талаб қилади. Бизнинг фикримизча, рискларни бошқаришнинг энг ишончли ва тарихий синовлардан ўтган методи бу – уларни суғурта қилишдир.

Компанияларнинг риск-менежменти тизимида суғуртанинг ролини баҳолаш қийин, чунки у ўзининг иқтисодий мазмунига кўра компанияларнинг молиявий фаолиятида, инвестицион ва операцион фаолиятида юзага келадиган жуда катта зарарларни қоплаш хусусиятига эга. Молиявий рискларни

суғурталашнинг назарий-методологик жиҳатдан бир қанча турлари мавжуд, жумладан, муҳим турларидан бири бу – ўз-ўзини суғурталаш бўлиб, у пул фондларини шакллантириш ва келажакда юзага келадиган кутилмаган молиявий йўқотишларни қоплаш хусусиятларига эга. Умуман олганда, Суғурта – бу юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан, шунингдек, суғурталовчининг бошқа маблағларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир [1].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

“Молиявий рискларни суғурталаш” ибораси дефинициясини аниқламасдан, уларга берилган таърифларни ўрганмасдан туриб, молиявий рискларни суғурталаш масалаларига оид назарий қарашларни тадқиқ этишнинг иложи йўқ. Шу жиҳатдан, “молиявий рискларни суғурталаш” тушунчасига берилган таърифларни кўриб чиқамиз.

Иқтисод фанлари доктори, профессор И.А.Бланк “молиявий рискларни суғурталаш – суғурталанувчилардан олинган суғурта мукофотлари эвазига шакллантирилган пул фондлари ҳисобидан, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишдир” деб ҳисоблайди [3].

Г.С.Токаренконинг таъкидлашича эса: “молиявий рискларни суғурталаш – бу банкротлик, кутилмаган харажатлар ва шартномада келишилган бошқа ҳодисалар натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки тўхтаб қолиши билан боғлиқ йўқотилган даромадларни қисман ёки тўлиқ ҳажмда қоплашга йўналтирилган суғурта товони бўйича суғурталовчининг мажбуриятидир” [4].

Иқтисодчи олим А.А.Кизимнинг фикрича, тадбиркорлик фаолиятидаги молиявий рискларни суғурталаш – бу хўжалик юритиш натижасидаги зарарни ёки кутилган натижани (фойдани) ололмаслик рискини суғурталашдир ёки бошқача қилиб айтганда, суғурта тизими воситасида хўжалик субъектларининг зарарини қоплаш кафолатини таъминлашдир [5].

Маълумки, мулкӣ манфаатларни суғурталаш – мулкӣ активларга сармоя киритишнинг самарасизлиги туфайли юзага келадиган молиявий йўқотишлардан ҳимояланишнинг усули сифатида, риск-менежменти тизимидаги муҳим методлардан бири ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бу методлар инвестицион лойиҳалар ва қимматли қоғозлар портфелига оид рискларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бизнинг фикримизча, компанияларда молиявий рискларни суғурталаш ҳамда қимматли қоғозлар портфели бўйича лойиҳаларни диверсификация қилиш бир пайтда параллел равишда амалга оширилиши лозим, чунки, уларнинг комбинацияли қўлланилиши молиявий рискларни бошқариш тизимида юқори самарага олиб келади.

Молиявий рискларни суғурталаш комплекс ёндашувларга асосан амалга оширилиши лозим, яъни суғуртани амалга оширишда компаниядаги ишлаб чиқариш фаолияти, маркетингга асосланган бизнес ва ижтимоий шарт-шароитлар ҳисобга олиниши керак.

Умуман олганда, молиявий рискларни бошқариш механизми сифатида суғурта тизимидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидаги омилларга боғлиқ:

- бизнес лойиҳаларига сармоя киритишдан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида суғурта капиталини жалб қилиш;


- қимматли қоғозлар портфелини режалаштиришдаги ноаниқликни камайтириш;

- пул маблағларини улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида йўналтириш;

- суғурта экспертлари тажрибасидан фойдаланиш йўли билан молиявий рискларни бошқаришга қилинадиган харажатларни қисқартириш.

Молиявий рискларни суғурталаш ҳақида гап борар экан, бу масалани молиявий рискларнинг турлари ва таркибий тузилишини ўрганмасдан туриб ҳал қилишнинг иложи йўқ. Шу жиҳатдан, молиявий рискларнинг энг асосий турлари ва улар таркибини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Амалиётда энг кўп учрайдиган ҳамда суғурта қилинаётган молиявий рисклар қуйидаги 1-расмда ифодаланган.

МОЛИЯВИЙ РИСКЛАР



1-расм. Молиявий рискларнинг турлари¹.

Кредит rischi – кредит хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ёки умуман амалга оширилмаслигидир.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инфляцион рисклар – молия бозорининг барча соҳаларини қамраб олади ҳамда молиявий активлар шаклидаги капиталнинг реал қийматини йўқотиши кўринишида намоён бўлади. Ундан ташқари, инфляция шароитларида молиявий операцияларни амалга оширишдан кутиладиган даромадларни қадрсизлантирадиган омил ҳисобланади.

Инвестицион рисклар – реал инвестицияларни амалга оширишдан кўриладиган натижаларни ёмонлаштирадиган, молиявий инвестициялардан фойдани камайтирадиган рисклардир.

Дипозит рисклари – дипозитлар бўйича ставкаларнинг номувофиқ тарзда (салбий) ўзгаришидир.

Фоизли рисклар – молия бозорида фоиз ставкаларининг кутилмаганда пасайиб (тушиб) кетиши, кредит бўйича фоиз ставкаларининг кутарилиши (оғирлашиши)дир.

Валюта рисклари – валютанинг алмашиш курсидан даромад ололмаслик ёки курс фарқидан зарар кўриш, ташқи иқтисодий потенциалнинг ёмонлашишидир.

Қимматли қоғозлар портфелининг рисклари – акционерлик компанияларининг тўлов қобилиятини пасайтиради ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги молиявий ҳолатини ёмонлаштиради. Шу жиҳатдан, улар икки кўринишда бўлади: қимматли қоғознинг ликвидлилик rischi ва акционерлик компаниясининг нобарқарорлик ҳолати rischi.

Кўпгина илмий манбаларда таъкидланишича, молиявий рисклар мулкрий суғурта билан билвосита боғлиқ бўлиб, асосан молия-кредит ва биржа соҳаларига татбиқ этилади [6]. Молиявий бошқарув тизимида мулкрий йўқотишларни суғурталаш механизмининг муҳимлигини бизнес соҳасидаги хавф хатарларнинг юқори даражада эканлиги шарт қилиб қўймоқда.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Сўнги пайтларда мамлакатимиздаги бир қатор суғурта компаниялари хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг фаолиятида юзага келадиган молиявий рискларни суғурта қилишни таклиф қилмоқдалар. Жумладан, ушбу масалани “Kafolat sug’urta kompaniyasi” АЖ мисолида кўрадиган бўлсак, суғурта компанияси ўтган йилда экспорт-импорт шартномалари суғуртаси, ипотека суғуртаси, кредит қайтмаслиги суғуртаси ҳамда эндиликда оммавийлашаётган банкларни комплекс суғурта қилиш каби суғурта турларини амалга оширган (1-жадвал). 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, суғурта қилинган молиявий рискларнинг ўртача битта шартномага тўғри келадиган жавобгарлик қиймати ҳамда ҳар бир риск бўйича тариф ставкалари турлича. Бу эса, молиявий рискларнинг юзага келиш сабаблари ва натижалари турли хиллиги, шунингдек, молиявий фаолиятга баҳо беришдаги мураккабликнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Қолаверса, жадвал маълумотларига асосан, кредит қайтмаслиги суғуртаси бўйича зарарлилик даражаси 32 %, Ипотека суғуртаси бўйича зарарлилик даражаси 8,9 %, Лизинг суғуртаси бўйича зарарлилик даражаси 35 % ни ташкил этган.

1-Жадвал

“Kafolat sug’urta kompaniyasi” АЖ нинг молиявий рискларни суғурталашга оид кўрсаткичлари²

№	Суғурта турлари	Суғурта шартномалари сони	Суғурта жавобгарлиги, минг сўм	Суғурта мукофотлари, минг сўм	Суғурта қопламалари, минг сўм
1.	Экспорт-импорт шартномалари суғуртаси	483	190 190 327,0	675 840,1	0
2.	Кафилликни (кафолатларни) суғурталаш	8	880 920,3	2 150,0	0
3.	Кредит қайтмаслиги суғуртаси	2003	47 631 357,1	1 247 892,9	399 263,1
4.	Банкларни комплекс суғурта қилиш	1	4 038 740,0	169 627,1	0
5.	Лизинг суғуртаси	368	109 502 567,0	821 212,8	290 569,3
6.	Ипотека суғуртаси	1131	276 950 197,6	1 447 239,5	128 284,1

Мамлакатимиз суғурта бозорида молиявий рискларни комплекс равишда суғурта қилиш бўйича суғурта маҳсулотлари етарли даражада шаклланмаган, бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- молиявий рискларни комплекс равишда суғурта қилишни ташкил этишнинг мураккаблиги;

- молиявий фаолиятга ҳолисона баҳо бериш билан боғлиқ қийинчиликларнинг мавжудлиги (молиявий фаолиятга оид бой статистик база бўлиши керак);

- молиявий рискларни комплекс равишда суғурта қилиш учун методологик базанинг зарурлиги;

- молиявий рискларни суғурта қилиш бўйича ташвиқот ва рекламанинг суст равишда олиб борилаётганлиги;

- молиявий рискларни суғурта қилиш бўйича суғурта қонунчилиги базасини етарли даражада ривожланмаганлиги;

- суғурта компанияларида юксак малакага эга бўлган мутахассисларнинг камлиги мамлакатимизда молиявий рискларни суғурта қилиш яхши ривожланмаганлигининг сабабларидир.

Молиявий рискларни суғурталаш бу ҳар хил турдаги суғурталар йиғиндисидир. Унда суғурталовчининг суғурта тўловлари бўйича тўлиқ ёки

²“Kafolat sug’urta kompaniyasi” АЖнинг 2017 йилдаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

қисман тўлаб бериши бўйича мажбуриятлари кўрсатилган. Улар қуйидаги ҳодисалар:

- келишилган ҳодисалар бўйича ишлаб чиқариш хажмининг камайиши ёки ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши;
- ишсиз қолиш;
- банкротлик;
- суғурталанган шахснинг контрагенти томонидан ўзининг мажбуриятларини бажарилмаслиги;
- суғурталанган шахс томонидан кетган суд харажатлари;
- бошқа ҳодисалар.

Хорижий давлатлар суғурта амалиётида молиявий рискларни суғурталаш бўйича энг кўп қизиқиш кредитларни суғурталаш ҳисобланади [7]. Унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, бошқа турдаги суғурталар билан уйғунлашиб кетади. Ўзининг келиб чиқиш жойи ва сабабларига кўра, ҳозирги кундаги замонавий компанияларда рискларни суғурталашнинг энг эътиборли турлари қуйидагилар:

- истеъмол кредитини суғурталаш;
- тижорат кредитини суғурталаш;
- банк кредитларини суғурталаш ва ҳ.к.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Шундай қилиб, амалий нуқтаи назардан молиявий йўқотишларни суғурталаш нафақат омадсиз қарорларни қабул қилишдан ҳимояланиш балки, замонавий компанияларнинг иқтисодий самарадорлигини оширадиган воситадир. Молиявий рискларни бошқаришда энг рационал қарор қабул қилинганидан сўнг, энг самарали иқтисодий кўрсаткичга эришиш мақсадида, компаниянинг маълум бир фаолиятида, молиявий рискларни суғурталаш тизимини жорий қилиш мумкин.

Мамлакатимизда молиявий рисклар суғуртасини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни тавсия қилиш мумкин:

- ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида бир неча йиллар давомида фойдаланилган, ҳозирга қадар такомиллашиб келаётган молиявий рискларни суғурталаш турларини миллий суғурта бозорига татбиқ этиш;
- молиявий рискларни суғурта қилиш бўйича методологик базани такомиллаштириш, бу борада Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмасининг фаолиятини жонлантириш, молиявий рискларни суғурталаш бўйича стандарт қоидаларни ишлаб чиқариш;
- молиявий рискларни суғурталаш турларининг афзалликлари бўйича миқозлар орасида тарғибот ва ташвиқот, реклама ишларини кегайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрель.

2. Arif Ahmad Wani, Dr. Showket Ahmad Dar Relationship between Financial Risk and Financial Performance: An Insight of Indian Insurance Industry //International Journal of Science and Research (IJSR), Volume 4 Issue 11, November 2017, www.ijsr.net

3. Большая экономическая энциклопедия М.:Эксмо, 2008. 816 б.

4. Инновационное развитие экономики: международный опыт и проблемы России. Монография / науч. ред. В.П.Федорова. СПб: Нестор История, 2012. 352 б.

5. Кизим А.А., Кизим К.А. Страхование финансовых рисков предпринимательской деятельности: проблемы и пути их решения // Финансы и кредит №30. 2006. 58 б.

6. Дасковский В.Б., Киселев В.Б. Контуры новой модели развития экономики России. М.: Канон плюс, 2013. 592 б.

7. Robert Dankiewicz Insurance in the process of financial risk management in enterprise activity // Insurance Review. Volume 4. 2018